

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz Vatan — barchamizniki

Партиянинг нуфузи, жамиятдаги таъсир кучи энг аввало, унинг бошланғич ташкилотлари қай даражада фаолият кўрсатаётганига боғлиқ.

• 2008-йил • 17-апрел • Payshanba • 50 (27.855) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

Роджер МакДермот:

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОНДА НАТО БИЛАН ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҒОЯТДА МУҲИМ АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СЎРДИ»

АҚШнинг Жеймстаун жамғармаси интернет-сайтида мазкур муассаса ҳузуридаги Евроосиё тадқиқотлари маркази катта илмий ходими, Буюк Британиянинг халқаро стратегик тадқиқотлар институти аъзоси Роджер МакДермот томонидан ёзилган ва Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) Бухарест саммитидаги нутқиға бағишланган мақола эълон қилинди. Муаллиф МДХ ва Марказий Осиё мамлакатларида хавфсизлик ва муҳофаа масалаларини тадқиқ қилиш бўйича мутахассис ҳисобланади.

Мақолада ёзилишича, «жорий йилнинг 2-4 апрель кунлари Бухарестда бўлиб ўтган саммитда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги шериги ҳисобланган Ўзбекистон ўз аҳамияти жиҳатидан альянсининг кенгайтишига алоқадор масалалардан ҳам муҳимроқ бўлган ташаббусларни илгари сурди».

«Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов альянс билан Афғонистон борасидаги ҳамкорлик юзасидан ғоятда

муҳим амалий таклифларни ўртага ташлади, — дея қайд этади тадқиқотчи. — Мазкур ташаббусларга Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазият ва кўп томонлама тузилмалар ёндашувларини синчковлик билан ўрганиб, пухта ва аниқроқча берган баҳосининг натижаси сифатида қарамоқ лозим. Президент Ислон Каримов НАТОга муҳофаа, хавфсизлик, экология ва гуманитар масалалар соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. У оммавий қирғин қуролларини тарқатишдан тортиб, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига бўлган кенг қамровли хавфсизликка таҳдидларни алоҳида кўрсатиб ўтди.

Америкалик экспертнинг қайд этишича, «Президент Ислон Каримов НАТО билан тузилажак битим учун Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган ва Термиздаги муҳим стратегик ўзел орқали ноҳарбий юклар транзитини назарда тутувчи амалдаги келишув асос бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди. Аммо унинг нутқида эътибор-

ли бир жиҳат бор: «Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунийлигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим».

Президент Ислон Каримовнинг таъкидлашича, Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви Марказий Осиё учун ижтимоий-иқтисодий жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир. У Афғонистондаги вазиятни яхшилаш учун зарур бўлган бир қатор вазифаларни ҳам айтиб ўтди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими, халқаро коалиция кучларига маҳаллий аҳоли ишончини ошириш, наркотрафикнинг олдини олиш, аҳолининг, шу жумладан кам сонли миллатларнинг диний ва маданий қадриятларини ҳурмат қилиш, исломга нисбатан хуружларга йўл қўймаслик, ислохотларни изчил ўтказиш, шунингдек, Покистон билан трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш шулар сирасига киради. Ислон Каримов шунингдек, Афғонистонга чегарадош давлатлар ҳамда Россия ва АҚШ иштирокида 2001 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келган «6+2» гуруҳига НАТО-

ни ҳам жалб этиш таклифи билан чиқди.

Хорижий экспертнинг фикрига кўра, айримлар учун Президент Ислон Каримовнинг Бухарестга ташири НАТО билан муносабатларни ривожлантириб, расмий Москва манфаатларига зиён етказишдек кўриниши мумкин.

— Бироқ Ўзбекистон аввало Афғонистон ва умуман, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган том маънодаги ҳамкорликни таъминлашни истади, — деб қайд этади Р.МакДермот. — Кўплаб кузатувчилар Москва ва Тошкент илгари сурган таклифларнинг ҳамоҳанг эканлигини баҳолай олмайдилар. Бинобарин, Россия альянс билан Ўзбекистон нуктаи назарига боғлиқ бўлган битим имзоладиди, чунки Афғонистонга барча юклар Термиз шаҳри орқали ўтади. Бошқача қилиб айтганда, бир таклифнинг амалга оширилиши бошқасига бевосита боғлиқ. Зеро, фақат Ўзбекистон транзит муаммоларини ечими қалтига эгадир.

«Жаҳон» АА

ИСПАНИЯ ОМБУДСМАНИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташир буюрган Испания Қироллиги Халқ ҳимоячиси Энрике Мугика Герцог раҳбарлигидаги Испания Омбудсмани делегацияси 16 апрель кун Иқтисодий Ҳамкорлик Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ривожланиб бораётгани,

жумладан, парламентлар ва омбудсманлар алоқалари мустаҳкамланётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Испания делегацияси вакиллари Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди. Меҳмонлар юртимизда жорий йилнинг

1 январидан ўлим жазоси бекор қилинган ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани жамиятни демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлганини таъкидладилар.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Анжуман

3-4 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» деб номланган анъанавий маданий фестивали ўтказилади.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Мазкур тадбир ташкилотчиси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бўлиб, унда беш мингга яқин иштирокчи ҳамда Япония, Франция, Хитой, Болгария, Россия каби давлатлардан ҳам меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда. Бу ҳақда кунча пойтахтимизда фестивал олдидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжуманида хабар қилинди.

— Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — халқимизнинг қадимий, бой анъана ва удумлари, амалий санъати, миллий таомлари, халқ оғзаки ижоди ҳамда хунармандчилик намуналарини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, ривожлантиришдан иборат, — дейди санъатшунос Акбар Ҳакимов. — Тадбирнинг фарқи томони шундаки, у табиат қўйнида, халқ сайли тарзида ўтказилади. Шунингдек, янги, кенг қамровли лойиҳа доирасида миллий либослар фестивали ва анъанавий санъат кўргазма-ярмаркаси ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

«Асрлар садоси» илк маротаба ўтказилаётганига қарамай, унда қатнашишга бўлган қизиқиш катта. Хозирги кунга қадар 232 нафар фольклор ижрочиси, 26 нафар миллий либос фестивали иштирокчиси, 31 нафар амалий санъат устаси ва 30 нафар чавандоз тадбирда ўз маҳоратларини намойиш этиш истagini билдиришган. Демак, яқин кунлар ичида асрлар давомиди ривожланиб, сайқалланиб келаётган миллий маданиятимизнинг нақадар бой эканлигини яна бир бор дунёга кўз-қўли билан имкониятига эга бўламиз.

Маммурижон МАХМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Махсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!



АВТОМОБИЛЛАРГА ЎЗ ОЙНАМИЗ ҚЎЙИЛАДИ

Фаргона шаҳрида самарали фаолият юритиб келаётган «Автоойна» очик акциядорлик жамияти мамлакатимиз автомобилсозлиги ривожига муҳим ҳисси қўшмоқда. Замонавий асбоб-ускуна-

лар ва технологиялар ҳамда малакали маҳаллий мутахассислар ишлаётган мазкур корхонада ҳар йили 180 минг бутланган сифатли, бежирим енгил машиналар ойналари тайёрланиб, улар Асакадаги

«General Motors Uzbekistan» қўшма корхонасига пешмапеш етказиб берилмоқда.

Хукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил этилган корхона фаолияти йўлга қўйилиши орқик-

ча сарф-харажатларга барҳам бериш билан бирга юзлаб маҳаллий ёшлар муқим иш жойларига эга бўлдилар. Улар Италиянинг илғор технологияси асосида мураккаб дастгоҳлар ва замонавий асбоб-ускуналарни бошқариш малакасини йил сайин такомиллаштириб бормоқдалар.

— Бугунги кунда жамиятимиз ўз махсулотларини Асака қўшма корхонасидан ташқари ўзаро келишувга мувофиқ Россия, Украина давлатларидаги автомобилсозлик заводларига ҳам етказиб бермоқда, — дейди корхона бош технологи Сарвар Жўраев. — Халқаро сифат сертификатига эгамиз. Келгусида бу каби истиқболли ҳамкорлик алоқаларимиз, албатта, кенгайиб боради. Айни кезде махсулот салмоғини кўпайтириш борасида изланишлар олиб бориб, корхонада қўшимча соҳа — мамлакат мебелсозлигига турли ўлчамдаги ойналар тайёрлаш ва етказиб беришни ҳам йўлга қўйдик.



Суратларда: оператор Дилшод Парпиев; ишчилар Умида Йўлдошева ва Мадина Фафурова. М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.


ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ»да 16 апрель кун «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САИМЕ 2008» туртинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibitions & Conferences Ltd» халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унинг очилишида юртимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида тўқимачилик саноатида кенг қўлланми ишлатилар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди.

2004 йилдан буюн ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмада бу



гал Ўзбекистон, Россия, Германия, Австрия, Италия, Франция, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Бельгия, Чехия ва Туркия каби йиғирмага яқин мамлакатдан бир юз ўттиз фирма ва компания ўз махсулотлари ва хизматларини тақлиф этмоқда.

— Компаниямиз пахта қайта ишлаш ускуналари, тўқимачилик технологиялари ишлаб чиқариш ҳамда техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган, — дейди Хитойнинг «Qingdao Shandong Textile Machinery» компанияси бош менежери Жи Ювчанг. — Ўзбекистон корхоналари билан ўн икки йилдан буюн самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Юртимизда хорижий инвестор ва харидорлар учун яратилган қулай шароит мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари қатори тўқимачилик ва пахтачилик саноати тармоғида ҳам изчил ривожланишига хизмат қилаётди.

Юртимиз ва хориждаги тўқимачилик корхоналарида тайёрланаётган махсулотларни намойиш этиш, тахриба алмашиш, савдо шартномалари ва ҳамкорлик битимлари тузиш, кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришда мазкур кўргазманинг аҳамияти катта. Зеро, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасини ривожлантириш, чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни янада яхшилаш учун янги имкониятлар яратишдан иборатдир.

Кўргазма тўқимачилик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда тўқимачилик технологиялари, жумладан, мато ҳамда чарм-поябзал тайёрлаш, бўяш, ишлов бериш, компресор ускуналари, тикув ва тўқув машиналари, турли бўёқлар ва кимёвий моддалар, тўқимачилик саноати учун дастурий таъминот ҳамда техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб бўлимлар бор.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири
Суратда: кўргазмадан лавҳа. Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЮРТИМИЗНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИ

Гарчи Ер шарининг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий сув микдорининг салкам 2 фоизинигина ташкил этади, холос. Она заминимизда ҳаётнинг боқийлиги кўп жиҳатдан ердаги сув манбаларини, айниқса, чучук сув захираларини асраш, ифлослантирмаслик, тежаб-тергаб фойдаланишимизга боғлиқ.

БЕРЛУСКОНИ ИТАЛИЯНИ ҚУТҚАРАДИМИ?

Сильвио Берлускони ҳар қандай социолог ва сийсатчидан «ўзининг Италияси»ни яхши тушунишини исбот қилди. 13-14 апрель кунлари бўлиб ўтган сайловда унинг ғалабасини олдидан тахмин қилиш мумкин эди.

ЗАКОВАТ МАЙДОНИ

Бугун пойтахтимизда иқтидорли талабаларнинг «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни» мавзuida ги республика илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлайди.



Хизматлар лицензияланган

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Фуқаролар малакали ҳуқуқий ёрдам олиши учун зарур шароитлар яратиш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим устувор йўналишидир. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Ушбу ўзгартиш жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат юридик маълумотга эга

бўлган адвокат иштирок этиши мумкинлигини назарда тутди. Бунда гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларида бири фақатгина адвокат ҳамроҳлигида ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин.

Бундан ташқари, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунни адвокатларнинг давлат реестрини юритиш ва адвокатлик гувоҳнома-сини бериш масалаларини тартибга солувчи 3' ва 4'-моддалар билан тўлдириш, «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмига муайян ишни олиб боришда адвокатнинг ваколатини тасдиқловчи ордernинг шакли ва реквизитлари Адлия вазирлиги томонидан белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тақлиф этилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, иккинчи ўқишда муҳокамасига киритилаётган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ҳамда «Ветеринария тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан депутатлар Самидулло Маҳмудов ва Қаҳҳор Ибрагимовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгиланганлиги.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП ҳаёти

ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛ, ТАШАББУСКОРМИ?

Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоят партия кенгашларининг пленумларида шу саовал атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди

— Президент ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун бизнинг партиямизда ҳам фаолиятини ошириш, ташаббускорлик ва масъулиятни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётган, — деди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши раиси Парда Юлдашев. — Фикримча, бу нарса кўпроқ бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида кўзга ташланса, айтиш мумкин бўлади. Чунки бу партияимизнинг халқ орасидаги обрўси, мавқеини белгилайди.

— Жуда тўғри, — деди маъруза юзасидан сўзга чиққан Жиззах шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Юсуф Холматов. — Бугун партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларнинг кўнгилдагидек ишлаши, электрорат ташкилотларида ҳақдор долзар масалаларни дадил қўриб чиқиши, катта-кичик муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар айтишига эришиш учун куч қўйиш керак, деган савол пайдо бўлди. Назаримда, бунинг учун бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўз ишига бўлган масъулиятини оширишимиз зарур. Партиявий-ташкилий ҳамда мафкураравий ишларни жой-жойига қўй олишга салоҳияти бор кишиларни БПТ етакчилигига кўпроқ жалб қилсак, айтиш мумкин бўлади.

Сўзга чиққан ЎзХДП Дўстлик ва Зарбдор туман кенгашлари раислари Камолддин Эгамов, Алиқобил Ўсканов, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ақром Иномов, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖУИ) вилоят филиали ходими Ботир Узоқов ва бошқалар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш, самардорлигини ошириш, уларнинг туман ва шаҳар кенгашлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, етакчиларининг малакасини ошириш, кадрлар захирасини тўлдиратиш сингари масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

◆◆◆

Жамиятимизда демократик қадриятлар чуқурлаша боргани сайин сиёсий партияларнинг роли ошиб боравергани, мамлакатимиз таърибасида ақол намоян бўлаётгани. Яна шу нарса аниқки, қуруқ шiorлар билан ҳаёт кечираётган партия узоққа бормайди. Бу фикр ХДП Сирдарё вилоят кенгаши пленумидаги вилоят партия кенгаши раиси Алишер Тошматовнинг маърузасида ҳам таъкидланди.

Бугунги кунда ўз сафида ХДПнинг 12 минг 200 нафардан ортиқ аъзосини бирлаштирган Сирдарё вилоят ташкилоти вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи қўллардан биридир. Бу сафда Олий Мажлис Сенатининг 3 нафар аъзоси, 20 нафар вилоят, 157 нафар шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари бор. Улар партиянинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборини ошириш, дастурий вазифаларини бажаришда фаолият кўрсатаётганлиги.

Эндиликда омма билан мулоқотнинг сигналга уюлган айланиган Жамоатчилик қабулхоналари ишнинг йўлга қўйилгани, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қабулхоналарга мунтазам жалб этилаётгани ХДПнинг аҳоли ўртасидаги мавқеини янада ошириш, партияга бўлган ишончнинг тобора мустаҳкамланишига хизмат қилаётган. Биргина ўтган йилнинг ўзида Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 487 та мурожаат тушгани ва бу кўрсаткич 2006 йилдагига қараганда салкам 20 фоизга кўпайгани ҳам фикримиз далилидир.

Пленумда бу каби амалий ишлар билан чегараланиб қолмаслик, партия фаолиятига хотин-қизлар, ёшларни кўпроқ жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Ёшлар йилида партия ўсиб келаётган авлод билан ишлашни такомиллаштириши, таълим-тарбия жараёни, ижтимоий муҳофизага эътиборни кучайтириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби ўнлаб йўналишларда фаолиятини жонлантириш лозим.

Хар қандай партиянинг куч-қуввати унинг электрорат, аҳоли томонидан нечоғли қўллаб-қувватланаётгани билан ўлчанмади. Шу маънода ХДПнинг бугунги энг асосий вазифаси маҳалалар, ҳар бир оиллага кириб бориш, уларнинг қувонч-ташвишларидан ҳабардор бўлиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, руҳий мадад бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг чинакам меҳр-муҳаббатини қозонишдир. Пленум қатнашчилари бундай вазифани уйдлашда бошланғич ташкилотларнинг ролини кескин ошириш зарурлигини таъкидладилар. Вилоятда бошланғич бўйинлар билан ишлашда маълум тажриба ҳам тўпланган. Масалан, партиянинг Сирдарё туман кенгашида «Пайшанба — бошланғич партия ташкилотлари кун»и деб эълон қилинган ва шу кунга барча фаоллар бошланғич ташкилотларда бўлиб, улардаги аҳвол билан танишадилар, амалий ёрдам кўрсатадилар.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида ахборот берган депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, музокараларда сўзга чиққан халқ депутатлари Сирдарё туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари М.Аҳмедов, Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Р.Бобоева, вилоят Кенгаши депутати, Гулистон давлат университети доценти В.Дубков ва бошқалар ҳам ушбу масалаларга алоҳида тўхталдилар. Пленумда ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Олим Равшанов кун тартибидagi миcоллар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

◆◆◆

Президентимизнинг 2008 йил 25 март кунги халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нукта, Ўзбекистон ХДП

Марказий Кенгаши VIII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ЎзХДП вилоят кенгаши пленумида яна бир бор муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан вилоят партия кенгаши раиси Ҳамро Эрматов маъруза қилди.

— Давлатимиз раҳбари воҳамизда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди, — деди у. — Ҳақиқатан ҳам ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга таъбиқ этишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги. Ўзбекистон ХДПдан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари, депутатлик гуруҳимиз ҳам бу долзарб масалаларга эътиборни сусайтириб юборди. Улар бирорта масалани мустақил тайёрлаб, сессиялар муҳокамасига киритишга журъат этиладилар. Бу эса депутатларимизнинг 2008 йил 1 январдан қўйган Конституциявий қонун имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаётганидан далolat беради. Ўйлайманки, Президентимиз маърузаларидан депутатларимиз ўзларига тегишли ҳулосаларни чиқариб олаётганлиги.

Шунингдек, пленумда бугунги кунда юзага келган янги ижтимоий-сиёсий вазият Ўзбекистон ХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, «Халқ йўли» газетаси таҳририяти фаолияти ва ташаббускорлигини кучайтириш, самарадорлигини оширишни талаб этаётгани, Жамоатчилик қабулхоналари, бошланғич партия ташкилотлари ишчи-жонлангирлар, мафкураравий ишларни такомиллаштириш зарурлигини алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Термиз туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Ойсиёфат Бозорова, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директори Исроил Ботиров, ХДП Ўзун туман кенгаши раиси ўринбосари Махбуба Бахриддинова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЮРТИМИЗНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИ

— **Муҳаммади Худрорович, аввало, сув ресурсларининг дунёдаги бугунги аҳоли ҳамда республика-мизнинг оби ҳаёт манбалари хусусида тўхталсангиз.**

— Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида «Атроф муҳит ва таъриқий» мавзuida бўлиб ўтган конференциясида жаҳон жамоатчилигининг эътибори сув муаммосига қаратилди. Сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш, соф сақлаш масалаларини йўлга қўйиш юзасидан тақлифлар қабул қилинди. Айни вақтда ер юзидagi 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиард нафари тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиард нафар одам санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмай-диган ҳудудларда яшайди. Бундай ҳолат 2025 йилга бориб, ҳар 10 нафар одамнинг 6 нафари тоза ичимлик суви таъминоти муаммосини бошдан кечириши эҳтимоли бор, деганидир.

— **Республикамизда сув ресурсларини муҳофазалаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасида қандай амалий чора-тадбирлар қўйилган?**

— Маълумки, мамлакатимизда сув ресурслари захира-ларини муҳофазалаш, трансшегаравий сув манбаларидан фойдаланиш, ундan тежаб-тергаб, оқилона сарфлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда ер усти ва ер ости чуқур ичимлик сув захира-ларини муҳофазалаш борасида Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофиза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш, сувни муҳофиза қилиш зонаси ва қирғоқ бўйи полосалари (йўлак-лари)ни трансшегаравий дарёлар — Амударё ва Сирдарёнинг республика ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмларига «сувни муҳофиза қилиш минтақалари», «қирғоқбўйи полосалари» деб белгилан қўйиш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, уларда тегишли вазирликлар, қўмиталар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг бажариши лозим бўлган вазифалари белгилан берилди.

Юртимизда асосан 77 та мандаба чуқур ер ости ичимлик сув манбалари мавжуд. Уларнинг умумий захираси 57,6 млн. м³ кеча-кундузи ташкил этади ва 34,5 фоиз Фарғона водийсида, 24,6 фоиз Тошкент, 18 фоиз Самарқанд, 9 фоиз Сурхондарё, 5,5 фоиз Қашқадарё, 7 фоиз атрофидаси эса қолган вилоятларда ҳосил бўлади.

Жумладан, 19 та чуқур ер ости сувлари ҳосил бўладиган жами 407,36 минг гектар майдонга муҳофиза қилинадиган табиий ҳудудлар мақоми белгиланган. Шунингдек, ушбу чуқур ер ости сувлари ҳосил бўладиган республика аҳамиятига эга 11 та ҳамда 8 та вилоят аҳамиятига эга бўлган сув захира манбаларини муҳофиза қилиш бўйича жойларда тегишли чора-тадбирлар қўйилган.

Бугунги кунда ер ости ичимлик сувларида салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари фаолияти назоратга олинган. Масалан, мамлакатимиз ҳудудидagi 6 та дарёнинг (Қашқадарё, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Қорадарё ва Нори) сувини муҳофиза қилиш майдонлари жами 73,12 минг гектарни, қирғоқ бўйи полосалари эса 9,85 минг гектарни ташкил этади. Юртимизнинг ер ости сувлари умумий сув ресурсларининг ахралмас қисми бўлиб, улар иқтисодий ривожига, шаҳар, қишлоқлар аҳолисининг ҳўжалик-ичимлик сув таъминотида саноат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг сув таъминотида асосий манбалардир.


Табиатни муҳофиза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар таҳлили, республика бўйича экологик ҳолатнинг бирмунча яхшиланиши ва барқарорлашувини кўрсатмоқда. Жумладан, қўмита ва Ўзгидрометнинг 2007 йил ҳисобот даврида мунтазам кузатув дастлабки натижаларига кўра, асосий сув манбалари бўлимиш — Амударё, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари сувининг сифати 2007 йил давомида 2006 йилдагига нисбатан деярли ўзгармади ва II-тоифа — тоза ҳамда III-тоифа — ўрта меъёр ифлосланган сувлар даражасига тўғри келди.

— **Айни пайтда юртимизда сув ресурслари бўйича қандай ечимини кутаётган муаммолар бор?**

— Авваломбор, трансшегаравий дарёлар — Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сувларидан фойдаланишда оқимни трансшегаравий бошқариш оқибатлари кўпроқ дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудларда сезилади. Сувларни трансшегаравий бошқариш юқоридa жойлашган мамлакатлар хатти-ҳаракатларининг нечоғли келишилганлигига

Сув — сайёрамиз биохилма-хиллиги ва экотизимнинг ҳаёт манбаи. Гарчи Ер шарининг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса-да, чуқур сув умумий сув миқдорининг салкам 2 фоизинигина ташкил этади, холос. Она заминимизда ҳаётнинг боқийлиги кўп жиҳатдан ердаги сув манбаларини, айниқса, чуқур сув захира-ларини асраш, ифлослантирмаслик, тежаб-тергаб фойдаланишимизга боғлиқ. Афсуски, сўнгги юз йилликда инсоннинг табиатга таъсири, сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида ер юзидa глобал исий, иқлимий ўзгаришлар, сув захира-ларининг камайиши каби хавотирли ҳолатлар кузатиляпти. Оқибатда, бутун инсоният сув ресурсларининг ижтимоий, иқтисодий-экологик муаммоларига дуч келяпти.

Биобарин, экологик муаммолар ҳудуд ёки чегара билмайди. Сув ресурслари муаммосидан бизнинг ҳудудимиз ҳам мустасно эмаслиги, табиий ҳол. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофиза қилиш Давлат қўмитаси Ер ва сув назорати Бош бошқармаси бошлиги Муҳаммади Маманазаров билан суҳбатимиз шу ҳақда.



таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари фаолияти назоратга олинган. Масалан, мамлакатимиз ҳудудидagi 6 та дарёнинг (Қашқадарё, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Қорадарё ва Нори) сувини муҳофиза қилиш майдонлари жами 73,12 минг гектарни, қирғоқ бўйи полосалари эса 9,85 минг гектарни ташкил этади.

Юртимизнинг ер ости сувлари умумий сув ресурсларининг ахралмас қисми бўлиб, улар иқтисодий ривожига, шаҳар, қишлоқлар аҳолисининг ҳўжалик-ичимлик сув таъминотида саноат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг сув таъминотида асосий манбалардир.

Табиатни муҳофиза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар таҳлили, республика бўйича экологик ҳолатнинг бирмунча яхшиланиши ва барқарорлашувини кўрсатмоқда. Жумладан, қўмита ва Ўзгидрометнинг 2007 йил ҳисобот даврида мунтазам кузатув дастлабки натижаларига кўра, асосий сув манбалари бўлимиш — Амударё, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари сувининг сифати 2007 йил давомида 2006 йилдагига нисбатан деярли ўзгармади ва II-тоифа — тоза ҳамда III-тоифа — ўрта меъёр ифлосланган сувлар даражасига тўғри келди.

— **Айни пайтда юртимизда сув ресурслари бўйича қандай ечимини кутаётган муаммолар бор?**

— Авваломбор, трансшегаравий дарёлар — Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сувларидан фойдаланишда оқимни трансшегаравий бошқариш оқибатлари кўпроқ дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудларда сезилади. Сувларни трансшегаравий бошқариш юқоридa жойлашган мамлакатлар хатти-ҳаракатларининг нечоғли келишилганлигига

рологик ва бир қатор илмий тадқиқот-қидирув ишларини олиб бориш зарур, деб ўйлайман.

— **Бугунги кунда дунё олимлари сайёрамизда глобал исий, иқлим ўзгариши туфайли абадий музликларнинг эриб кетаётгани ҳақида маълумотлар берапти. Бу жараён ҳудудимизга қандай таъсир этиши мумкин?**

— Ер юзидagi экологик муаммолар дунёнинг исталган нуктасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки бутун борлиқ битта экотизимда ётади. Демак, Марказий Осиё ҳам бундан мустасно эмас.

Мутахасссларнинг тадқиқот натижаларига қараганда, глобал исий, ҳароратнинг кўтарилиши ҳисобига Марказий Осиёдаги мавжуд музликларнинг захираси 2015 йилга бориб, 40-50 фоизга камайиши тахмин қилинапти, бу эса сув таъминоти 20-30 фоизга қисқаришига олиб келади.

— **Сув ресурсларини муҳофазалаш ва ундan фойдаланишда аҳоли — истемолчилар нималарга эътибор қаратиши керак бўлади?**

— Бу борада мутахассс сифатида ўз мулоҳазаларимни айтиш: табиатдан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб фойдаланиш, муҳофиза қилишни таъминлаш, авваломбор, уни истемол қилувчи — аҳолининг сувдан фойдаланиш маданияти, савияси боғлиқлигини унутмаслик жоиз. Қўмитанинг жойлардаги мутасадди ходимлари саъй-ҳаракати билан аҳоли орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай, баъзан сувнинг исроф бўлаётгани, табиий захира-ларнинг ифлослантирилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сувдан фойдаланувчилар амалдаги қонунчиликка риоя этишлари, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг кенг қамровли бажарилишига, яъни, сувнинг магистрал каналлардан то далага боргунга қадар қатъий ҳисобини юритишлари керак. Белгиланган лимитдан ортиқча сув олмаслик, беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик учун магистрал каналлар, умуман олганда суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини ошириш учун ўзланларни бетонлаш, кальматациялаш, дала карталарини мунтазам планировка қилиб бориш лозим.

Айниқса, сувдан фойдаланиш кўрсаткичларини кўтариш учун канал ва коллектор-зовур ўзланларини мунтазам тозалаш туриш, суғориш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш вақтида сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик, суғоришнинг илгор технологияларини (томчилатиб, ёмғирлатиб, навбат-ма-навбат, тупроқ остидан суғориш ва ҳокзо) босқичма-босқич жорий қилиб бориш керак. Ана шунда ҳудудимиз сув ресурсларидан фойдаланишда биз нафақат экологик хавфсизлиқни таъминлаган, балки улар оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий экологик муаммоларнинг ҳам олдини олган, эртанги кунимиз истикбол ва фаровонлигини таъминлашга замин яратган бўламиз.

Қисқача айтганда, сув бебаҳо неъмат, аммо унинг захира-лари битмас-туганмас манба эмас. Шу боис, юртимизда чуқур ер ости сувлари ҳосил бўладиган табиий ҳудудларнинг экологик тоза, соф сақлаш учун ҳар бир фуқаро масъулият ҳисси билан яшамоғи керак.

Суҳбатдош:
Сайда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Партия кенгашлари ҳузуридаги сиёсий семинарларнинг «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи» мавзусида машғулотлари бўлиб ўтди. Ўқув кўпроқ ёшлар таълим олаётган, касб-ҳунар ўрганаётган коллежларда очик мулоқотлар қўринишида ташкил қилинди. Ўзаро фикр алмашувларда партия кенгашлари ёшларга сўровномалар билан мурожаат қилди. Бунда ёшлар ўз истаклари, тақлифларини баён этишган. Хонқа, Хива, Янгирқаш, Гурлан туманлари ҳамда Урганч шаҳрида ўтказилган сўровномалар билан танишганда ёшларимиз бугуннинг фаол, сиёсий онгли, фидойи кишилари бўлиб етишяётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ақсар сўровномаларда «партия кенгашлари ёшлар билан шундай мулоқотларни тез-тез ўтказиб туришга яхши бўларди», — деган истак бор. Бу бир тарафдан жойлардаги партия ташкилотларига кўпроқ

Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларига ёшларнинг саёхатларини тез-тез уюштириш керак.

Жуда ўринли тақлиф. Назаримизда нафақат мактаб ўқувчилари, балки коллеж талабаларини ҳам юртимизнинг тарихий гўшаларига саёхатга олиб бориш аънанасини ривожлантириш лозим. Бу масала таълим муассасалари маъмуриятларининг эътиборига ҳавола.

«Ёшлар йилининг энг иқтидорли талабаси» кўргини ташкил этиш, вилоят, шаҳар, туман марказларидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш, уларни янги китоблар билан бойитиш каби

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Пора тахдиди

Мексикада ўтган йил давомида 197 миллионга пора билан боғлиқ ҳолат қайд этилган, деб хабар беради РИА Новости. Унинг умумий миқдори тахминан уч миллиард долларни ташкил этган. Мексиканинг Transparencia Mexicana нодавлат ташкилоти раҳбари Рейес Эрелеснинг айтишича, мексикаликлар асосан йўл полициясига (56 фоиз) пора беради. Иккинчи ўринда бохона, чегарачилар (28 фоиз), учинчи ўринда муниципал ва давлат ташкилотлари туради. Тадқиқот натижаларига кўра, Мехико штати ва поймада яшайдиганлар кўпроқ пора олади. Рейес пора берувчиларнинг аксарияти бадавлат ёшлар ва талабалар эканидан хавотирда.



Бир-бирини танқид қилди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Грузия ва Абхазиядаги низоли вазият бўйича резолюция қабул қилган, Россия ва АҚШнинг БМТдаги доимий вакиллари Виталий Чуркин ҳамда Залмай Халилзад бир-бирини танқид қилди. РИА Новости хабарига кўра, АҚШнинг Абхазиядаги элчиси Грузия президенти Абхазия билан низолини бартараф этиш бўйича таклифини Вашингтон маълумлашгани айтган. «Биз Москванинг Грузия ҳукумати розилигисиз Абхазия ва Осетияда ярим расмий вакилликни очмоқчи эканидан хавотирдамиз», — деди Халилзад. Ундан сўнг чиқиш қилган Виталий Чуркин эса Грузиянинг Кодор гориди ҳарбий қисмлари сони ортиб бораётганини айтиб, АҚШ вакилини танқид қилди.

Эслатиб ўтамиз, Грузия 1992



йилда Абхазияга қўрғоқчи қўларини олиб кирган, қаттиқ қаршиликка дуч келиб, Абхазияни назорат қилишига нукта қўйган қўрғоқчи низо 1993 йил 30 августда низога етган. Ушундан бери Абхазия ҳеч бир давлат тан олмаган мустақиллигини тан олинишига ҳаракат қилмоқда. Грузия эса Абхазияга автономлик мақомини таклиф этаяпти. Ушбу низоли ҳудуддаги тинчлик МДХ давлатлари томонидан таъминлаб келинмоқда. Низоли бартараф этиш бўйича музокаралар 2006 йилда тўхтатилган.

БЕРЛУСКОНИ ИТАЛИЯНИ ҚУТҚАРАДИМИ?

Сильвио Берлускони ҳар қандай социолог ва сиёсатчида «ўзининг Италиясини яхши тушунишини исбот қилди. 13-14 апрель кунлари бўлиб ўтган сайловда унинг галабасини тахмин қилиш мумкин эди. Аммо бу қадар катта галабани қўлга киритишга қўлчилик ишонмагани сир эмас. «Мени алмаштириб бўлмайди! Италияликлар фақат мени сайлашади. Мен фақат улардан бир нарсани — сенатда камиди 20 та мандатга овоз беришларини сўрайман», — деганди у сайловдан олдин. Италияликлар бу илтимосни ошиги билан бажаришди. Юқори палатада Берлускони 40га яқин мандат олишга эришди. Депутатлар палатасида эса унинг марказий ўнг коалицияси асосий рақиби бўлган собиқ мэр Рим Валтерни 101 та мандатга ортда қолдирди. Сайловда асосий рақобатчилар Берлусконининг «Эрк халқи» ва Рим Валтернинг «Демократик партия» партиялари бўлди. Сўнгги натижаларга кўра Берлускони бошчилигидаги консерваторлар Сенат сайловда 47,3, депутатлар Палатасида эса 46,8 фоиз овоз олган.

Шу тариқа Берлускони 71 ёшида учинчи мартаба президентлик лавозимига сайланди. Бу галаба Вазирлар Маҳкамаси собиқ аъзоларининг урушдан кейинги йилларда энг узоқ муддат амалда ўтиргани эвазига келганини унутмаслик керак. Иккала палатада ҳам Сильвио тарафдорлари кўпайиб, партияларнинг қамайиши, яъни уларнинг сони бешта экани Италия

икки партиявийлик тизимга ўтди деб хулоса чиқаришга асос бўлмайди. Аммо бу натижалар италияликларнинг ҳукумат танлигидан безор бўлганини билдиради. Охириги 63 йил ичида бу ҳукумат олти иккинчи марта шакллантирилганини таъкидлаш жоиз.

Берлускони ўз маслақдошлари билан парламентда қанча вақт фаолият юритиши ҳали номаълум. Чунки иқтисодий соҳадаги муаммоларни ечишда ҳукумат жуда кўп қийинчиликка дуч келади. Италия ва Европа Иттифоқи мутахассислари мамлакатнинг иқтисод, тижорат ва молияга оид қўнғунчилиги ислохотга муҳтож дея таъкидлашмоқда. Чунки Италия айни вақтда Европада энг ортда қолаётган давлатга айланган. 2008 йил мамлакат иқтисодининг ўсиши бор-йўғи 0,3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Бунинг сабаби ишлаб чиқаришнинг камлиги ва евронинг борган сари мустақамлашиб бораётганидир. Европа Иттифоқида кирувчи давлатларда эса бу кўрсаткич ўртача 1,5 фоизни ташкил этади. Иқтисодий қийинчилик авваломбор талабалар, нафақахўрлар ва кам таъминланган аҳоли турмуш тарзида яққол кўзга ташланмоқда. Италияни «тузатиш» учун давлат харажатларини камайтириш, қарзлардан қутилиш, қўнғунчилиги ва инфратузилмани янгидан шакллантириш ҳамда инқирозга юз тутган миллий иш ташувчи Alitalia компаниясини қутқариш керак. Шу муносабат билан Берлускони

компаниянинг давлатга тегишли пакетини зудлик билан сотмоқчи. Бундан ташқари у вазирлар сонини икки баробар қисқартириб, 4 нафар аёл вазир тайинлашини маълум қилди. Буларнинг бари катта маблағ талаб қилади. Берлусконининг сайлов олди ваъдалари — солиқлар, давлат қарзини қисқартириш ва кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш (Валтернинг ваъдасидан уч баробар кўп) миқдорда ҳозирги вазиятни қай даражада енгиллаштириши номаълум.

Салбий кайфиятдагилар Берлускони бу ваъдаларнинг биронтасини ҳам бажара олмастлигини айтмоқда. «Унинг 2001-2006 йиллардаги ҳукумати аввал иқтисодий йўлга қўйиш ҳақида берган биронта ҳам ваъдасининг устидан чиққани йўқ. Ушунда ҳам унинг маслақдошлари етарлича эди», — дейди Турин университети профессори Эрико Рускони.

Эслатиб ўтамиз: сўнгги мартаба вазирлар маҳкамаси 2008 йил январда тарқатиб юборилган. Бош вазир Романо Проди эса Сенатдан ишонсизлик вотумини олиб лавозимини тарк этди. Ҳукумат инқирозга ундаги партия ва коалицияларнинг ҳаддан ортиқ хилма-хиллиги сабаб бўлган. Ўтган сайловда сайловчилар 158 та партия ва жамоат бирлашмаларига овоз беришига тўғри келди. Ийрик ва барқарор партияларнинг ўрнига вақтинчалик ва заиф коалицияларнинг тузилиши ҳукуматда доимий тангликни юзага келтирмоқда. Парламент аъзолари ўртасида бирдамликнинг йўқлиги эса Сенат спикери Франко Маринига вақтинчалик ҳукуматни шакллантириш имкониятини бермади.

Гулгун СУЛТОНОВА

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси

куйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Иншоотнинг номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (минг сўм)
Лот 1. Жорий таъмирлаш.	
Лот 1-1. Бухоро шаҳридаги 30-сонли мактаб	75369,88
Лот 1-2. Бухоро шаҳридаги 1-сонли мактаб	75813,55
Лот 1-3. Бухоро шаҳридаги 33-сонли мактаб	75624,43
Лот 1-4. Бухоро шаҳридаги 17-сонли мактаб	75587,94
Лот 1-5. Когон шаҳридаги 8-сонли мактаб	75966,78
Лот 1-6. Когон туманидаги 11-сонли мактаб	61775,25
Лот 2. Жорий таъмирлаш.	
Лот 2-1. Когон туманидаги 12-сонли мактаб	61890,89
Лот 2-2. Фиждудон туманидаги 13-сонли мактаб	42705,05
Лот 2-3. Фиждудон туманидаги 3-сонли мактаб	62273,56
Лот 2-4. Фиждудон туманидаги 21-сонли мактаб	49219,55
Лот 2-5. Фиждудон туманидаги 29-сонли мактаб	41435,48
Лот 2-6. Фиждудон туманидаги 35-сонли мактаб	49111,86
Лот 3. Жорий таъмирлаш.	
Лот 3-1. Фиждудон туманидаги 52-сонли мактаб	61790,78
Лот 3-2. Вобкент туманидаги 33-сонли мактаб	42289,28
Лот 3-3. Жондор туманидаги 40-сонли мактаб	41198,22
Лот 3-4. Олот туманидаги 14-сонли мактаб	39026,06
Лот 3-5. Олот туманидаги 5-сонли мактаб	61851,554
Лот 4. Жорий таъмирлаш.	
Лот 4-1. Қорақўл туманидаги 16-сонли мактаб	42253,991
Лот 4-2. Қорақўл туманидаги 26-сонли мактаб	61890,539
Лот 4-3. Шофиркон туманидаги 13-сонли мактаб	61857,968
Лот 4-4. Шофиркон туманидаги 14-сонли мактаб	42252,815
Лот 4-5. Шофиркон туманидаги 21-сонли мактаб	62349,735
Лот 4-6. Пешку туманидаги 17-сонли мактаб	41072,87

Мазкур иншоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2008 йил 1 август.

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси.

Манзил: Бухоро шаҳар, Афросиёб кўчаси, 8. Тел.: 224-32-62, 224-33-55, 224-30-24, 224-30-83.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағларга ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажбурияти, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбуриятига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни жорий таъмирлаш бўйича камида 2 йиллик иш тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта тақдир этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган,

мулк хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, ҳолдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — олти минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кўни ва соатига қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиш эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.**

Иқтисодиёт ва ислохот

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси галлакору деҳқон, чорвадору богбоннинг энг яқин маддакори сифатида фаолият кўрсатиб қолмоқда.

Банкнинг вилоят бошқармаси 2007 йил давомида ўзининг иш фаолиятини халқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миллий валютани қадрини ошириш ва банк соҳасини тақомиллаштиришга қаратган ҳолда олиб борди.

2008 йил 1 январь ҳолатига турли мулкчилик шаклидаги 14647 тадан ортиқ юридик ва ҳисомий шахслардан иборат кенг соҳа миқозларига комплекс хизматлар кўрсатилди. Шулардан 4835 тасини кичик бизнес субъектлари ҳамда 7625 тасини фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ташкил қилади. Йил бошига нисбатан миқозлар сони 1202 тага ошди. 11 та туман филиали ҳамда 52 та минни банки фаолият ҳақмин кенгайтириш учун қўлай имконият яратилди. Натижада қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи «Агромашсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Қишлоқҳўжалик-кимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимидagi эллиқдан зиёд корхонага кредит ажратилиш ҳамда уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича йил давомида беш миллиард сўмликдан ортиқ факторинг хизматлари кўрсатилди.

Жорий йилдан бошлаб шахсий томорқада қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштираётган фуқароларга ҳар томонлама ёрдам беришга киришилди. АТ «Пахтабанк» бошқарувининг 2008 йил 30 январдаги йиғилиши қарори билан тасдиқланган ҳўжатга кўра, деҳқон ҳўжаликларига шахсий томорқада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун सबзавот ва картошка уруғлари, мева ва тоқ қўчатлари сотиб олиш мақсадида микрокредитлар ажратилишини ички тартиби ишлаб чиқилди. Шўнга кўра микрокредитлар деҳқон ҳўжаликларида энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорда минерал ўғит, кимёвий воситалар ва уруғликлар сотиб

олиш учун 2 йил муддатга, қўчат сотиб олиш учун 5 йил муддатга марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси фоиз тўлови билан бериладиган бўлди. Масалан, ушбу тартиб бўйича Фиждудон тумани Гавшин қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Азизахоним Ҳамроева» деҳқон ҳўжалиги раҳбари Гулноза Ҳусеновага, Бухтарой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Озода чевар» деҳқон ҳўжалиги раҳбари Озода Тўхтаеваларга қўчат олиш учун 5 йил муддатга бир ярим миллион сўмдан кредитлар ажратилди.

млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, «Пахта Банк» ўз миқозларини имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлар билан таъминлаш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқин алоқада иш олиб бормоқда.

Маълумки, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, балки оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир оиланинг андиқлида кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шўгулла-

Италиянинг «BERTURRI» компанияси технологияси асосида ишловчи соатига 20 тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган консерва заводи олиб келиб ўрнатилди. «Пахта Банк» эса Осиё тараққиёт банки кредит линияси орқали 714,8 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ажрати берди. Ҳозир бу ерда мева концентратлари ва томат пастаси ишлаб чиқарилмоқда. 50 дан зиёд ишчи ўринлари яратилди. Мавсум пайтида 150 нафар одам иш билан таъминланади.



ли жамғарма ва муддатли омонатлар жорий этилиши ҳамда туман бўлимлари томонидан аҳолига омонат ва унинг фоизларини ўз вақтида берилиши натижасида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига жами омонатлар қолдиги 9 млрд. 986,6 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, бугунги кўнга келиб банк томонидан 26 хилдан иборат омонат турлари бўйича аҳолидан бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда.

Туман бўлимларида аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиш мақсадида ўн битта махсус касса ва битта кўчма «Дамас» кассаси фаолият кўрсатмоқда.

Банк филиалларида, минибанкларда ва махсус касса шохобчаларида ўрнатилган тартибда экспресс карталарини миқозларига етказиш бўйича тегишли тартибда шартномаларни расмийлаштирган ҳолда янги хизмат турлари жорий этилган. Бугунга келиб «Коском» қўшма корхонаси, «Билайн», «МТС» ҚҚ экспресс карточкаларининг банк кассалари орқали сотилиши йўлга қўйилди.

Вилоят бошқармасининг филиаллари ҳамда хизмат кўрсатувчи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган 139 та ушбу терминал орқали ўтган йил давомида 3 млрд. 126,2 млн. сўм маблағлар айланди, шунингдек, пластик карточкаларнинг қолдиги 586,8 млн. сўмни ташкил этди. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига 36655 донна пластик карточкалар тарқатилган.

Муҳтасар айтганда, бошқарма жамоаси қишлоқ ҳўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, деҳқон фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш, тадбиркор мулкдорнинг ишончли ҳамкорига айланиш йўлида изчил фаолият кўрсатмоқда.

Шоҳадар МИРҲАБИВОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИВОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ҲАР СОҲАГА МАДАДКОР

бўлаётган акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси фаолияти хусусида

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2007 йил давомида 3 млрд. 200,5 млн. сўм кредит ажратилди. Кредитларнинг 88 фоизи узоқ муддатларга ва 12 фоизи қисқа муддатларга ажратилган бўлиб, улар ҳисобига 938 та янги ишчи ўринлари яратилди ҳамда 1 млрд. 488,4 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектларининг имтиёзли кредитларга бўлган талабини қондириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашшини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Пахта Банк» тизимига банк фойдасининг 25 фоизини ажратган ҳолда имтиёзли кредитлар ҳамжармаси доимий равишда шакллантириб боришмоқда. 2008 йил 1 январь ҳолатига мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкаларида берилган кредитларнинг қолдиги 1 млрд. 318,2

ниши лозимлигини эса ҳаёт тақозо қилмоқда. Шу боис, оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 67 та оилавий тадбиркорлик субъектларига 88,3 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

АТ «Пахта Банк» Бухоро вилоят бошқармасининг банк хараёлари бўлими томонидан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Япония — Ўзбекистон дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратиб боришмоқда. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 90 та лойиҳа 882,7 млн. сўмга ЕТБ кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилди, яъни ўрнатилган прогноз кўрсаткичлари 140 фоизга бажарилди.

Шунингдек, банкнинг Бухоро вилоят бошқармаси кейинги йилларда йирик инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, бундан беш йил аввал «BUKHARA GOLDEN FRUIT» Ўзбекистон -Америка қўшма корхонаси ташкил этилганди. Бошқарма ёрдамида

Ўтган йили яна бир инвестиция лойиҳа амалга оширилди. Бошқарма томонидан 2007 йил февраль ойида Бухоро шаҳрида жами 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 67 та оилавий тадбиркорлик субъектларига 88,3 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. АТ «Пахта Банк» Бухоро вилоят бошқармаси кредит қўмитаси аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди ва тегишли маблағ ажратилди. Ҳозир бу корхонада янги технологик линия монтаж қилиб бўлинган. Сифатли ва рақобатбардор гиламлар харидордир.

Бошқарма томонидан 2007 йилда ўнлаб янги турдаги тур-

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

танлов савдоси эълон қилади:

Объект номи: Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 8507 о.ш. 45605-ҳарбий қисмининг душ, ювиниш хонаси ва туалетхонасини капитал таъмирлаш «ҚМИ».

Қурилиш муддати — 2 ой.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси.

Манзил: Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 1-уй.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга)

ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажбурияти, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашишга эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертарни очил кўни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10-0820/3803 сонли иши бўйича 2008 йил 3 апрелдаги ажрими билан «Агропромакс» ҚҚга нисбатан Банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий этилган.

Кредиторлар йиғилиши 2008 йил 22 апрелда Амир Темури кўчаси, 101-уй манзилда жойлашган «Ўзмилийбанк» биносидан бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

Бундан буёнги банкротлик процедурасини белгилаш ва суд бошқарувчисини тайинлаш.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилин: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 101-уй, «Ўзмилийбанк», И.Носиров (телефон: +99871 234-11-17).

Ватан ҳимояси — олий шараф

КУЗАТУВ
БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

Сурхондарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пункти одамлар билан гавжум. Бу ерда воҳанинг энг сара йигитлари муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган. Барчанинг юз-кўзида қувонч, ҳаяжон. Биз улардан айримларини суҳбатга тортамиз.

— Мен Зоир Мамарайимов бўламан, — дея ўзини таништириди Ватан ҳимоясига отланаётган норгул йигитлардан бири.

— Танлов жараёни қийин кечмадими?

— Аввал синчиклаб тиббий кўрикдан ўтказишди. Кейин тест синовларида қатнашдик, — деди у. — Турли хил жисмоний машқларни бажардик. Термиз давлат университетида жисмоний тарбия ихтисослиги бўйича ўқиганлигим учун менга бу синовлардан ўттиш енгилроқ кечди.

— Университетни татомлаган экансиз, бемалол ишлаб юрaversангиз бўлмасми?

— Тўғри-ю, лекин менинг келажакда ҳали яна бошқа ниятларим бор. Шунинг учун ўз хоҳишим билан ҳарбий хизматга кетаяман...

— Мен Фаррух Ботировнинг отаси бўламан, — дейди Холтур Ботиров. — Ўғлим Тошкент темир йўл коллежини битирган. У ҳам ўз ихтиёри билан шу

йўлни танлади. Чунки келажакда ҳарбий бўлмоқчи. Эшитиб, ниҳоятда суюндим. Фарзандим ўз йигитлик бурчини сидқидилдан ўтасин. Бу бизнинг оиламиз учун фахр. Мамлакатимизда ёшларга жуда зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани бизларни қувонтирмоқда. Қолаверса, ҳарбий хизматни ўтаб келганлар учун олий ўқув юртиларига ўқишга киришда катта имтиёзлар бериляпти. Бундай имкониятлар болаларимизнинг

келажакдаги орзулари ушалишида қўл келади.

Ҳарбий хизматга қақирилган Баҳодир Маматовнинг онаси Ойдават Суудикова ҳам ўз қувончини яширолмади:

— Ишонаманки, ўғлим ўз юртини, ота-онасини муносиб ҳимоя қила олади. Унга оқ йўл тилайман. Соғ-саломат бориб келсин. Баҳодир катта фарзандим. Яна иккита ўғлим бор. Улар ҳам вояга етиб акалари изидан боришларини истардим.

Йигитларни ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган байрамона тадбир ўтказилиб, бўлғуси аскарларга ҳомилар томонидан совға-саломлар улашилди, дастурхонга миллий таомимиз — ош тортиildi.

— Ҳозирги даврда аскар бўлиш ҳар қандай йигит учун шараф. Ҳар бир ота-она «қанийди, болам ҳарбий хизматни ўтаса», дея орзу қилади энди. Негаки, ҳарбий хизмат ёшларнинг нафақат жисмоний, шу би-

лан бирга маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялайди, — дейди тўлқинлиб «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Орзикул Соатов. — Ҳарбий ҳаётни кўрган йигитлар ҳар томонлама пишийди. Мана бугун «Маҳаллага аскар келди» деб аталувчи тадбир ҳам ўтказаяпмиз. Хизматдан қайтган йигитларни бутун маҳалла иззат-ҳурмат билан қутиб олмақда...

Ниҳоят, йигитлар сафга тилишди. Шаҳдам одимлар билан манзил томон йўл олдилар. Йигитларнинг барчаси уларнинг изидан ҳавас билан қарашиб, қўлларини дуога очдилар: «Ой бориб, омон келинглари!».

Қурбон Жўраназаров,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



2008 йил — Ёшлар йили

Ота-боболаримиз бизни ўтган ҳар бир кунга шукур қилиб яшашга ўргатишган. Тани-жонинг соғлиги, кўзинг ёруғ оламни кўриб тургани, томирингда қон айланиб турганига шукур қилишинг керак. Биз умр бўйи ана шу ақида билан яшадик. Аммо бугунги авлод учун эртақ бўлиб туяладиган не-не замонларни кўрмадик. Қандай синовлар, машаққатларни бошимиздан кечирмадик. 82 йиллик умрим давомида кўрган биланларим, тўлаган тажрибамдан келиб чиқиб, ўғил-қизларимга айтадиган сўзларим бор.

ЁРУҒ КУНЛАР
ҚАДРИ

Сиз — ўсиб келаётган авлод аъзиси Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини илм даргоҳларида ўқиб-ўрганаёсиз. Бизга ёлгон тарихни ўргатишган, мактабларимиз қандай аҳволда бўлганини айтсак, ҳозирги ёшлар ишониши қийин. Бугунги ёруғ кунлар, мустақил, озод, тинч-осуда, фаровон ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бунинг ортда халқимизнинг қанчадан-қанча матонатли, заҳматли ҳаёти, меҳнати ётибди. Биз кўрган иккинчи жаҳон уруши йиллари, ундан олдинги ва кейинги қийинчилик, ҳақатчилик даврлари... буларни сиз хатто тасаввур ҳам қила олмаёсиз. Чунки бугун жаннатмонанд юртда тўқис ҳаёт кечираёсиз. Сизнинг зиммангизда фақат битта масъулият, вазифа бор. У ҳам бўлса, истиқлол берган чексиз имкониятлардан фойдаланиб, кўпроқ ва чуқур билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, шу заминга фойдаси тегадиган, хизмат қиладиган инсон бўлиб етишиш.

Бугунги кунларни қанча қадрласангиз арзийди. Эҳ-е, шунча ўзгаришлар, қўрилишлар... тушга ўхшайди буларнинг бари. Юртбошимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганларини эшитиб, бошим осмонга етди. Бу ғамхўрликлар бевосита ёшларга қаратилган бўлса-да, айни чоғда биз кексаларнинг умримиз давомчилирига бўлган меҳрибонлик, эътибор деб биланаман. Олти ўғил, уч қизни ҳалол ризқ едириб, тарбия қилдим. Энг кичик фарзандим ҳам яқинда-невара кўрди. Болаларим, невараларим бири фермер, бири ҳуқуқшунос, бири рассом, бири шофёр. Хуллас, барчаси эл хизматида. Невара-эвараларим йиғилса, ҳовлимга сиймай кетишарди. Ахир, шулар-да энди, ишончимиз, суянчимиз. Ҳар кўни дуодаман. Илоё, ёшларимизга кўз тегмасин, бошлари омон бўлсин. Биз кўрмаган, орзу қилган кунларнинг қадрига етишсин.

Эргаш ота ТОШМУРОДОВ,
меҳнат фахрийси,
«Шуҳрат» медали соҳиби,
Тошкент вилояти,
Янгийўл тумани.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЗАКОВАТ МАЙДОНИ

Бугун пойтахтимизда иқтидорли талабаларнинг «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни» мавзuidaги республика илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлайди

Тароватли ёшликнинг ҳар лаҳзаси, ҳар онидан унумли фойдаланиш, демократик кўнгилдаги яратувчанлиги излашни иштиёқини бир зум ҳам сусайтирмай, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашга интилиш бугунги ёшларимизга хос асосий фазилатдир. Дарҳақиқат, ҳозир юртимиз фахри, ифтихорига айланган қай бир иқтидорнинг дилига қулоқ тутманг, улар бир нарсани — мамлакатимизда ёш авлод интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳар томонлама қўлай шароит ва зарур имконият мавжудлигини таъкидлашади.



Ана шундай ёшларни қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини юзага чиқариш, уни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган эзгу ниятларни амалга ошириш мазкур фан ҳафталигининг асосий мақсадидир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» республика ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу

илмий анжуман доирасида қуни кеча «Келажак овози» кўрик-танлови ғолиблари ва университет иқтидорли талабаларининг ўқув семинари ҳам ташкил этилди.

Унда кашфиёт қилиб, мустақил изланаётган, тенгдошлари орасида ўз билими, иқтидори билан ажралиб турувчи ёшларни университет етук олими ва мавжуд илмий мактаблар таърибаси билан таништириш, улар томонидан таълим қилинаётган рационализатор-

лик тақлифларни таҳлил этиш ҳамда лойиҳа ва ишланмалари натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга кўмаклашиш ниятлари режалаштирилган.

Айтиш жоизки, мазкур ўқув семинарига «Келажак овози» республика танловининг «Рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган ёшлар ҳам тақлиф этилган бўлиб, улар университет талабалари билан турли мавзудаги тренинг-машгулотларда иштирок этдилар, ўзларининг ғоялари бўйича маърузалар қилишди. Бу эса ёш тадқиқотчи ва талабалар ўртасидаги илмий ҳамкорликни янги поғонага кўтариб, ижодий мулоқотларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Баҳодир АБДУЛЛАЕВ, Навоий кончилиқ коллежи ўқувчиси, «Келажак овози-2007» республика кўрик-танлови ғолиби:

— Бугун жуда хурсандман. Чунки коллеж ўқувчиси бўлишимга қарамай, талабалар илмий анжуманида қатнашшга муяссар бўлдим. Анжуманга ўзим ихтиро қилган шўр ва чуқур суви аниқловчи ускунамни олиб келдим.

Маълумки, бугун Орол денгизи қуриши натижасида

ҳавога кўп миқдордаги туз тарқалаяпти. Бу эса ушбу ҳудуддаги ер майдонларининг шўрланиб, турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммо биз ёшларни ҳам ташвишга солади. Ушбу қурилмаган шўрланган сувни истеъмол қилиш орқали пайдо бўлаётган касалликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, у минтақа аҳолиси саломатлигини сақлашга ва ажратилаётган маблағларни бир қадар тежашга ёрдам беради. Уйлайманки, мазкур анжуман давомида тажрибали устозлардан керакли йўл-йўриқларни оламан ва келажакда қурилма янада тақомиллаштириш имконияти пайдо бўлади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, XXI аср — ҳеч шубҳасиз, интеллектуал авлод асри. Бугун буюқ аждодларимиз изидан бориб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилган, ўз иқтидори билан кўпчилики лол қолдираётган ана шундай



ёшларимиз бор экан, келажакимиз ишончли қўлларда. Мана шундай анжуманлар эса янги-янги иқтидор соҳибларини кашф этишга ва улар учун заковат майдонларини кенгайтиришга ёрдам бериши табиийдир.

Матнозор ЭЛМУРОДОВ
Суратларда: «Келажак овози» ғолиблари ва иқтидорли талабаларнинг ўқув семинаридан лавҳалар.

Абдуси ХАЙДАРОВ
олган суратлар.

Интер-спорт

«ОЛТИН БУТСИ»
КИМГА НАСИБ
ЭТАРКИН?

Моҳир футболчи Криштиану Роналдунинг футбол мавсуми якунида «Олтин бутси» соҳиби бўлишига кўпчилик ишонч билдираяпти. Қизиғи шундаки, бундай мукофотга сазовор бўлиш учун Уэльснинг «Ланелли» клуби ҳужумчиси Рис Гриффитс асосий даъвогар ҳисобланади. Унинг голлари 38 тага етган. Роналду эса сўнгги учрашувда 11 метрли белгидан дарвозага йўллаган ягона тўпи билан «Арсенал» футболчиларини доғда қолдириб, «Манчестер Юнайтед»га ғалаба келтирди. Рис қатнашаётган Уэльс биринчилигида киритилган тўплар битта очкога ҳисобланади. Чунки, Уэльс Европа етакчи жамоалари қаторидан ўрин олмаган. Роналду урган тўплар эса шу маънода 2 тага кўпайиб бораверади. Шунинг учун ҳам бу футболчининг мукофотга сазовор бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ТАЙСОН
ФУТБОЛЧИГА
ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Англия терма жамоасининг 90-йиллардаги машҳур футболчиларидан бири, ярим ҳимоячи Пол Гаскойн ичкиликбозлик туфайли руҳий касалликлар шифохонасида даволанишга мажбур бўлиб турибди. Бундан хабар тогган бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони, оғир вазнли Майк Тайсон унга ёрдам бермоқчи эканини яширмади. Тайсоннинг гапларига қараганда, унинг ўзи ҳам бир пайтлар худди футболчи каби руҳий азобда қолган экан.

— Мен Полнинг қандай аҳволда эканини яхши тушунаман, — дейди Тайсон. — Шунинг учун ҳам унга маслаҳатларим билан кўмаклашмоқчиман. Бунинг айби йўқ. Кўпгина спортчилар ана шундай нохуш аҳволга тушадилар. Мен ҳамон Полни спорт юддузларидан бири деб биламан ва у билан учрашмоқчиман.

КОНЦЕРТГА ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙМИЗ

Тўй-базмларда саксафон оҳанглари таралиши ёшларни ром этаётгани сир эмас. Бундай мусиқа ошуфтларини хушнуд этиш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваториясида концерт уюштирилаётган бўлди. Мусиқа масканининг кичик залида 22 апрель оқшомида «СУПЕР-САКСАФОН» усталари Владимир Тергулов билан Герат Исанбаев ижросида жаҳон бастакорларининг энг

яхши жаз оҳанглари таралади. «Олтин куз» жаз фестивали лауреати Тамиллахоним ўз қўшиқлари билан қатнашади.

23 апрель кунин консерваториянинг катта залида илк бор БИГБЭНД ижросида ўн нафар ёш саксафончининг уйғунлашган оҳанглари жаранглайди. Оқшом концертига ёшларни чорлаймиз! Улар учун энг яхши асарлар ижро этилади.



Концертга ушбу эълон билан келганларга имтиёзли — 50 % арзонлашган чипталар сотилади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
FeruZ NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uezbovozi@gmail.ru

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston o'zoni»ning kompyuter markazida terildi va shifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston o'zoni» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

12869 nusxada bosildi

Г — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda